Ў.с ПКМ №58 от 13.02.96г

# Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг

IV-4
VI-4
XXII-2-В
XXII-2-А
XXII-2-Б

## ҚАРОРИ

**1991 йил 6 февраль, № 33**

### АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, унинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак, кенг миқёсли асарлар яратишга ижодий куч-ғайратларни сафарбар этишдаги мавқеини ошириш мақсадида ҳамда жумҳуриятда ижро этувчи ва бошқарувчи ҳокимият тузилишини такомиллаштиришга оид тадбирлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари Қўмитаси Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасига айлантирилсин.

2. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти таъсис этилсин. Ҳар бири 7 ~~минг сўм~~ бўлган учта мукофот миқдорида уч йилда бир марта Қодирий номидаги мукофотни бериш назарда тутилсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

а) адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармонларига мувофиқ берилади. Фармонлар Навоий, Қодирий ва Ҳамза таваллуд топган кунларда жумҳурият мат-



30та эмас кам иш ҳақи миқдорида

буотида эълон қилиниб, радио ва телевидение орқали эшиттирилади;

б) адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасининг таркиби уч йил муддатга тасдиқланади;

в) Навоий, Қодирий ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини бериш юзасидан тушган таклифларни ана шу мукофотлар тўғрисидаги низомларга қатъий мувофиқ равишда кўриб чиқиш, тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишга оид барча ишлар Қўмита зиммасига юклатилади;

г) Қўмита мукофотларни бериш тўғрисидаги таклифлар юзасидан қарорлар қабул қилади, уларни Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

д) адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклиф юзасидан кўпчиликнинг яширин овоз бериши йўли билан қарор қабул қилади, овоз беришда Қўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашади;

е) Қўмита ҳузурида Навоий, Қодирий ва Ҳамза номидаги жамғарма бўлади. У Навоий, Қодирий ва Ҳамза, Ўзбекистон маданияти бошқа атоқли арбобларининг асарларини мамлакатда ва чет элларда тарғиб қилиш, ижодкор зиёлилар ва истеъдодли ёшлар фаолиятига бутун чоралар билан кўмаклашиш учун маблағ тўплашни ўз мақсади деб билувчи юридик шахс ҳисобланади, деб белгилаб қўйилсин. Жамғармага тушадиган маблағлар ва моддий бойликларга давлат солиқлари ва бошқа солиқлар солинмайди.

4. Навоий ва Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомларда ушбу мукофотлар Ўзбекистоннинг ҳаёти, адабиёти, санъати ва меъморчилиги билан боғлиқ энг яхши асарлар учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатларнинг маданият арбобларига ҳам берилиши мумкинлиги кўзда тутилсин.

5. Илова қилинаётган:

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси тўғрисидаги янги низомлар тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасининг янги таркиби тасдиқлансин.

7. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси Қодирий номидаги Ўзбекистон

ССЖ Давлат мукофоти лауреатининг кўкракка тақиладиган нишони ҳамда дипломининг баёни ва нусхасини ишлаб чиқиб, уни Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 13 сентябрдаги 296-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И. КАРИМОВ**



Н40 та ЭНЧ ҳаёл ишҳаёл мендорида
10.05.93

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил
6 февралдаги 33-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий (Низомиддин Мир Алишер Навоий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида

## НИЗОМ

1. Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари:

адабиёт, журналистика, санъат ва меъморчилик соҳасидаги алоҳида машҳур, йирик, ғоявий мазмуни чуқур ва бадиий жиҳатдан юксак, энг яхши анъаналарни давом эттирадиган, миллий, умумиттифоқ ва жаҳон маданияти ривожига катта ҳисса қўшадиган, жумҳурият ва мамлакатдаги янгиланиш ва қайта қуриш жараёнларини ҳар томонлама очиб берадиган, умуминсоний қадриятларнинг ва инсонпарварлик ғояларининг қарор топишига, Ўзбекистон адабиёти, санъати ва меъморчилигининг бутуниттифоқ ва халқаро нуфузини оширишга фаол ёрдам берадиган асарлар;

эстетика ва адабий-бадиий танқид бўйича энг машҳур ишлар учун берилади.

2. Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари ҳар уч йилда бир марта, ҳар бири ~~ўн минг~~ сўмдан учта мукофот миқдорида берилади.

3. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси томонидан (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) кўриб чиқиш учун адабиёт, журналистика, публицистика, мусиқа, театр-саҳна, рақс-хореография, тасвирий, халқ амалий санъати, меъморчилик (жумладан, халқаро ҳисобда турувчи қадимий шаҳарларни қайта қуриш, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш бўйича), кинематография асарлари, барча тур, жанр ва шакллардаги концерт-ижрочилик программалари, бадиий ижод назарияси ва тарих (адабиётшунослик, санъатшунослик, адабий-бадиий танқид) бўйича ишлар, шунингдек, ўзбекча адабий асарларни сўзма-сўз таржима қилмасдан, бевосита оригиналдан чет тилларга қилинган таржималар қабул қилинади.

Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олиш учун мукофотга тақдим қилингунгача кўпи билан беш йил мобайнида ССЖИда ҳамда чет элларда, халқаро учрашувларда, фестивалларда ва бошқа маданият анжуманларида эълон қилинган, нашр қилинган, оммавий равишда ижро этилган, кўрсатилган ва намойиш қилинган асарлар ҳамда илмий ишлар тақдим этилади.

Қўмита Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия этилган ишларни мукофот бериладиган йилдан олдинги йилнинг 1 апрелигача қабул қилади. Ушбу муддатдан кеч топширилган ёки мазкур Низомда ва Қўмита йўриқномасида кўрсатилган мате-

риаллар илова қилинмаган тақдимномалар кўриб чиқилмайди ва улар тақдим этилган ташкилотларга қайтарилади.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Қўмита раёсати тасдиқлаган йўриқномада белгиланади.

4. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этиш тўғрисидаги қарорлар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижодий уюшмаларнинг, жумҳурият, Бутуниттифоқ ва халқаро жамоатчилик ташкилотларининг коллегиал органлари томонидан қабул қилинади. Меҳнат, ижодий ва илмий жамоалар қайд этилган ташкилотларга кўриб чиқиш учун Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олишга номзод кўрсатиш бўйича таклиф киритиш, шунингдек, тавсия этилган ишларга доир ўз фикрларини Қўмитага маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Илгари Ленин, ССЖИ Давлат мукофотларига, ССЖИ Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мукофотига, Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлган (ёки олишга тақдим этилган) ишлар Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилинмайди.

Айнан битта номзод биттадан ортиқ иш бўйича Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилиниши мумкин эмас.

Бутуниттифоқ мукофотларини ва Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олиш учун танловларда қатнашган ва жамоатчилик маъқуллаган, аммо овоз бериш натижасида уларга сазовор бўлмаган ишлар Қўмитанинг қарорига кўра, умумий асосларда яқин орадаги икки йилда Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олиш учун танловда қатнашишга қабул қилиниши мумкин.

Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти такроран берилмайди.

6. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тақдим этувчи жамоа фақат ижодий ҳиссаси ҳал қилувчи бўлган асосий муаллифларнигина киритиши керак. Мукофот олишга талабгорлар таркибига кишиларни маъмурий, маслаҳатчилик ва ташкилий ишлар белгиси бўйича киритишга йўл қўйилмайди. Талабгорлар сони тўрт кишидан ошиши мумкин эмас.

Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти Ўзбекистон ҳаёти, адабиёти, санъати ва меъморчилиги билан боғлиқ бўлган энг яхши ишлари учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет мамлакатларнинг маданият арбобларига ҳам берилиши мумкин.

7. Қўмитада кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар рўйхати, муаллифлари ва тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда, мукофотлар берилишидан кечи билан олти ой олдин «Халқ сўзи», «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида эълон қилинади.

Қўмита аъзолари тақдим этилган ишлар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини, танқидий мулоҳазаларни, экспертлар, эксперт комиссиялари, маданият муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг хулосаларини ўрганишади, тавсия этилган асарларни шўъбаларнинг мажлисларида муҳокама қилишади, энг муносиб асарларни танлаб олишади.



8. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олиш учун кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар тўғрисида жамоатчиликнинг холис фикрини аниқлаш мақсадида давлат идоралари, жамоатчилик ва ижодий ташкилотлар газета ва журналлар билан биргаликда матбуотда, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда, кўргазмаларда, жамоатчиликнинг йиғилишларида, ижодий, илмий, ўқув ва меҳнат жамоаларида уларнинг ҳар томонлама муҳокама этилишини таъминлайдилар. Муҳокамаларнинг материаллари ўз вақтида Қўмитага топширилади ҳамда улар танловга тақдим этилган ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олинади.

Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган спектакларни, мусиқий асарларни, концерт дастурларини, кино ва телефильмларни, тасвирий санъат асарлари ва бошқа ишларни кўриш ҳамда тинглашни ташкил этиш тегишли равишда ЎзССЖ Маданият вазирлигига, ЎзССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасига, ижодий уюшмаларга ҳамда бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотларга юклатилади.

Кўрсатилган талаблар бажарилмаганда Қўмита ишни кўриб чиқишдан воз кечиши мумкин.

9. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини беришга доир таклифлар тўғрисидаги қарорни Қўмита таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилади.

Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотлари Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони билан берилади. Фармон 9 февралда — Алишер Навоий туғилган кунда матбуот, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.

10. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлганларга тантанали вазиятда лауреатлик дипломлари, нишонлари топширилади.

Мукофотнинг пули муаллифлар жамоаси ўртасида баб-баравар тақсимланади. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотининг фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига Ленин ва ССЖИ Давлат мукофотлари лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

11. Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти вафот этган лауреатининг (ёки вафотидан сўнг мукофотланганнинг) дипломи ва фахрий нишони ёдгорлик тариқасида унинг оиласига қолдирилади ёки берилади. Мукофотнинг пули Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик қонунида кўзда тутилган тартибда мерос қилиб берилади.

Н130та энг кам иш ҳақи миқдорида 10.05.93 й № 215

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил
6 февралдаги 33-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий (Абдулла Қодирий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида

## НИЗОМ

1. Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари:

адабиёт, санъат ва меъморчиликнинг йирик эпик ва монументал жанрларидаги кенг тан олинган ҳамда миллий, умумиттифоқ ва жаҳон маданиятининг инсонпарвар анъаналари ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш, минтақа, мамлакат ва хорижий мамлакатлар халқлари билан интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги мураккаб ва кўп қиррали ҳаётий жараёнларини ёрқин ва ҳаққоний акс эттирувчи, миллий онг ва байналмилалчиликнинг ўсишига, тарихий адолатни, азалий халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклашга ёрдам берувчи, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини қарор топтирувчи ва Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий куч-қудратини бойитувчи машҳур асарлар;

замонавий ва классик ўзбек меъморчилиги ютуқларини синтезлаштирувчи монументал меъморчилик комплексларини яратганлик; архитектура ва санъатнинг йирик ёдгорликларини таъмирлашдаги ўзига хос ёрқин ечимлар учун берилади.

2. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари уч йилда бир марта ҳар бири ~~Етти минг сўмдан~~ учта мукофот миқдорида берилади.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасида (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) кўриб чиқиш учун эълон қилинган, босиб чиқарилган, кўргазмага қўйилган, ССЖИ ва чет элда оммавий равишда ижро этилган, мукофотга тавсия этилишидан олдин тўрт йилдан кўп бўлмаган вақт давомида тикланган ва таъмирланган бадиий адабиёт, театр-саҳна, рақс-хореография, монументал, тасвирий, халқ ижоди ва декоратив-амалий санъат, кинематография, телевидение, меъморчилик, меъморчилик-бадиий таъмирлаш асарлари қабул қилинади.

Қўмита томонидан ишларни қабул қилиш навбатдаги мукофот бериладиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябригача амалга оширилади. Ушбу муддатдан кеч топширилган тақдимномалар кўриб чиқилмайди ва уларни тақдим этган ташкилотларга қайтарилади.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Қўмита раёсати томонидан тасдиқланадиган йўриқномада белгиланади.



4. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этиш тўғрисидаги қарорлар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижодий уюшмалар, жумҳурият, бутуниттифоқ ва халқаро жамоат ташкилотлари коллегиал органлари томонидан қабул қилинади.

Меҳнат, ижодий ва илмий жамоалар юқорида қайд этилган ташкилотларда кўриб чиқиш учун Қодирий номидаги мукофотни олишга номзод кўрсатиш бўйича таклиф киритиш, шунингдек, тавсия этилган асарлар ва ишларга доир ўз фикрларини Қўмитага маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Илгари Ленин, ССЖИ Давлат мукофотларига, бошқа халқаро мукофотларга, ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси (ССЖИ Ҳукумати) ва Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси мукофотларига, Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларига сазовор бўлган (ёки олишга тақдим этилган) ишлар Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилинмайди.

Айнан битта номзод биттадан ортиқ иш бўйича Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилиниши мумкин эмас.

Халқаро, бутуниттифоқ мукофотларни ва Қодирий номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловларда қатнашган ва жамоатчилик маъқуллаган, аммо овоз бериш натижасида уларга сазовор бўлмаган ишлар Қўмитанинг қарорига кўра, умумий асосларда яқин орадаги икки йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловда қатнашишга қабул қилиниши мумкин.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти такроран берилмайди.

6. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олиш учун тавсия этадиган жамоа фақат ижодий ҳиссаси ҳал қилувчи бўлган асосий муаллифларнигина киритиши керак. Талабгорлар сони 5 кишидан ошмаслиги керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти Ўзбекистон ҳаёти, адабиёти, санъати ва меъморчилиги билан боғлиқ улкан ишлари учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар маданият арбобларига ҳам берилиши мумкин.

7. Қўмитада кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар рўйхати, муаллифлари ва тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда, мукофотлар берилишидан кечи билан олти ой олдин жумҳурият матбуотида эълон қилинади.

Қўмита аъзолари тақдим этилган ишлар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини, танқидий мулоҳазаларни, эксперт комиссиялари, мутахассислар хулосаларини умумлаштирадилар, тавсия этилган асарларни шўъбаларнинг мажлисларида муҳокама қилишади, ўз хулосаларини беришади.

8. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар тўғрисида жамоатчиликнинг холис фикрини аниқлаш мақсадида давлат идоралари, жамоатчилик ва ижодий ташкилотлар рўзномалар ва журналлар билан биргаликда матбуотда, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда, кўргазмаларда, жамоатчилик йиғилишларида, ижодий, илмий, ўқув ва

меҳнат жамоаларида уларнинг ҳар томонлама муҳокама этилишини таъминлайдилар. Ушбу муҳокамаларнинг материаллари ўз вақтида Қўмитага топширилади ҳамда танловга тақдим этилган ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олиниши керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган спектаклларни, мусиқа асарларини, концерт дастурларини, кино ва телефильмларни, тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини кўриш ҳамда тинглашни ташкил этиш, шунингдек, уларга зарур материалларни ўз вақтида тақдим этиш тегишли ЎзССЖ Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига юкланади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаган тақдирда Қўмита ишларни кўриб чиқишдан воз кечиши мумкин.

9. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини беришга доир таклифлар тўғрисидаги қарорни Қўмита ўз таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилади.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотлари Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони билан берилади. Фармон 10 апрелда — Қодирий туғилган кунда жумҳурият матбуоти, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.

10. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлган кишиларга тантанали вазиятда лауреатлик дипломлари ва фахрий нишонлари топширилади.

Мукофотнинг пули муаллифлар жамоаси ўртасида баб-баравар тақсимланади. Қодирий номидаги Давлат мукофоти лауреати фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига Ленин ва ССЖИ Давлат мукофотлари лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

11. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти вафот этган лауреатининг (ёки вафотидан сўнг мукофотланганнинг) дипломи ва фахрий нишони ёдгорлик тариқасида унинг оиласига қолдирилади ёки берилади. Мукофотнинг пули Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик қонунида кўзда тутилган тартибда мерос қилиб берилади.

---



x) 10 июл 93 й. 215 қарори
б-н ўз кучини йўқотди

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 февралдаги 33-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида

## НИЗОМ

1. Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари:

жамоатчиликка манзур бўлган, Ўзбекистон маданиятига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, ғоявий-бадиий савияси юксак, долзарб, Ўзбекистон ССЖнинг тарихий ва замонавий ҳаётини, ССЖИ халқларининг қардошлик оиласида жумҳурият меҳнаткашларининг инсонпарвар жамият қуришдаги ролини бадиий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берган адабиёт ва санъатнинг энг талантли шеърий ва саҳна асарлари учун;

катта эстетик қимматга эга бўлган, жаҳон, совет меъморчилиги ютуқларини ва ўзбек миллий меъморчилиги анъаналарини ўзида узвий жиҳатдан уйғунлаштирган энг яхши иншоотлар учун;

журналистика соҳасидаги ёрқин талантли асарлар учун; меъморчилик ва санъат ёдгорликларини таъмирлашдаги ўзига хос ечимлар;

бадиий ижод назарияси ва амалиёти муаммоларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган адабий-танқидий тадқиқотлар учун;

жаҳон, рус классик ва совет бадиий адабиётининг ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиётининг оригинал асарларини жаҳон ва ССЖ Иттифоқи халқлари тилларига қилинган юқори малакали таржималари учун берилади.

2. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари ҳар уч йилда бир марта ҳар бири беш минг сўмлик учта мукофот миқдорида берилади.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида ЎзССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) томонидан кўриб чиқиш учун адабиёт, журналистика, публицистика, музика, театр-саҳна, цирк, эстрада, рақс-хореография, тасвирий санъат, халқ амалий санъати, кинематография, меъморчилик асарлари, концерт-ижрочилик фаолияти ҳамда барча тур, жанр ва шакллардаги бадиий ҳаваскорлик ижодиёти программалари, шунингдек, мукофотга тавсия этилгунгача кейинги икки йил мобайнида эълон қилинган, нашр этилган, кўргазма ва музейларга қўйилган, халқ олдида ижро этилган, барпо этилган ва таъмирланган эстетика, адабиётшунослик, санъатшунослик, адабий-бадиий танқид ва бадиий таржимага доир ишлар қабул қилинади.

Қўмита кўриб чиқиш учун ишларни навбатдаги мукофотлар бериладиган йилдан олдинги йилнинг 1 сентябригача қабул қилади.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Қўмита раёсати тасдиқлаган йўриқномада белгиланади.

4. Ҳамза номидаги мукофотларни олишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жамоатчилик ва ижодий ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, газета ва журналларнинг раҳбар коллегиал органлари, меҳнат жамоаларининг кенгашлари томонидан ишларни баҳолашга ошкоралик ва юксак талабчанлик билан қабул қилинади.

5. Илгари Ленин, ССЖИ Давлат мукофотлари, Навоий номидаги ва бошқа жумҳурият мукофотлари билан тақдирланган ёки уларни олишга тавсия этилган ишлар Ҳамза номидаги Давлат мукофотларини олишга тавсия этилмайди. Айнан битта номзод бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ иш бўйича Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тавсия этилиши мумкин эмас.

Бутуниттифоқ мукофотларини ва Навоий номидаги мукофотни олиш учун танловларда қатнашган ҳамда жамоатчилик ва танқидчилар томонидан маъқулланган, аммо овоз бериш натижасида уларга сазовор бўлмаган ишлар, Қўмита қарорига мувофиқ, Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловда умумий асосларда қатнашиши мумкин.

Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида янги, катта ютуқларга эришган ҳолларда, аммо олдинги тақдирланишдан беш йил кейин такроран берилиши мумкин.

6. Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олишга тақдим этадиган жамоа фақат ижодий ҳиссаси ҳал қилувчи бўлган асосий муаллифларнигина киритиши керак. Мукофотни олишга талабгорлар таркибига кишиларнинг маъмурий, маслаҳатчилик ва ташкилий ишлар белгиси бўйича киритилишига йўл қўйилмайди. Талабгорлар сони 6 кишидан ошмаслиги керак. Муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун мукофот баб-баравар тақсимланади.

7. Қўмитанинг кўриб чиқиши учун қабул қилинган ишлар рўйхати, уларнинг муаллифлари ва тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда, мукофотларни беришдан кечи билан 6 ой олдин газеталарда эълон қилинади.

Қўмита аъзолари унда қайд этилган ишлар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини, танқидчиларнинг мулоҳазаларини ўрганадилар, шўъбаларнинг мажлисларида экспертларнинг, маданият муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари эксперт комиссияларининг хулосаларини муҳокама қиладилар.

8. Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини беришга кўриб чиқиш учун қабул этилган ишлар тўғрисида жамоатчиликнинг янада холисона фикрини аниқлаш мақсадида давлат идоралари, ижодий ва жамоатчилик ташкилотлари газета ва журналлар билан биргаликда матбуотда, радиоэшиттиришларда ва телевизион кўрсатувларда, кўргазмалар, жамоатчиликнинг йиғилишларида, ижодий, илмий, ўқув ва меҳнат жамоаларида ишларнинг ҳар томонлама муҳокама қилинишини таъминлайдилар. Муҳокамаларнинг материаллари ўз вақтида Қўмитага жўнатилади ва танловга тақдим этилган ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олинади.



Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотига кўрсатилган спектаклларни, мусиқий асарларни, концерт программаларини, кино ва телефильмларни, тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини ва бошқа ишларни кўриш ва тинглашни ташкил этиш тегишли равишда Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасига, жумҳурият ижодий ҳюшмаларига ва бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотлар зиммасига юклатилади.

Кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда Қўмита ишларни кўриб чиқишдан воз кечиши мумкин.

9. Қўмита қарори Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги таклифлар билан яширин овоз бериш орқали, Қўмита таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармони билан берилади. Мазкур фармон Ҳамза туғилган кунда — 6 мартда жумҳурият матбуоти, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.

10. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлган кишиларга тантанали вазиятда дипломлар ва фахрий нишонлар топширилади.

11. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти лауреатининг фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотининг лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

12. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти вафот этган лауреатининг (ёки вафотидан сўнг мукофотланганнинг) дипломи ва фахрий нишони ёдгорлик тариқасида унинг оиласига қолдирилади ёки берилади. Мукофотнинг пули Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик қонунида кўзда тутилган тартибда мерос қилиб берилади.

---

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил
6 февралдаги 33-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси тўғрисида

## НИЗОМ

1. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитаси (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) энг нуфузли адабиёт, санъат ва меъморчилик арбобларидан, ижодий ва жамоатчилик ташкилотлари, идоралар ҳамда маданият муассасаларининг мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда тузилади ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан 3 йил муддатга тасдиқланади.

2. Қўмита ишига Қўмита раиси бошчилигида раёсат раҳбарлик қилади.

3. Қўмитага адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номидаги, Қодирий номидаги ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифларни ушбу мукофотлар тўғрисидаги низомларга қатъий мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш ва Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлашга доир барча ишлар юклатилади.

4. Қўмита:

а) Навоий номидаги, Қодирий номидаги ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган ишларни, шунингдек, мукофотлар тўғрисидаги низомларга ва Қўмитанинг тақдимномага илова қилинадиган материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномасига мувофиқ зарур ҳужжатларни қабул қилади;

б) кўриб чиқиш учун қабул қилинган ишларнинг рўйхатини, уларнинг муаллифларини ҳамда тавсия этган ташкилотларни кўрсатган ҳолда, жумҳурият газеталарида эълон қилади;

в) Навоий номидаги, Қодирий номидаги ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган ишларнинг жамоатчилик томонидан кенг ва ошкора муҳокама қилинишини ташкил этишда қатнашади, уларнинг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан ошкора баҳоланишига кўмаклашади;

г) жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган ишларнинг материалларини ўрганиш, улар билан шахсан танишиш ва мутахассисларнинг ҳамда эксперт комиссияларининг хулосалари асосида танловга қўйилган ишларни кўриб чиқади, мукофотларни бериш тўғрисидаги таклифлар билан қарорлар қабул қилади, қарорларни Вазирлар Маҳкамаси орқали Ўзбекистон ССЖ Президентининг кўриб чиқиши учун тақдим этади. Президент ўз Фармони билан адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида ЎзССЖ Давлат мукофотларини беради;



д) ЎзССЖ Давлат мукофотлари лауреатининг дипломларини, фахрий нишонларини расмийлаштиради ҳамда уларни топширишни ташкил қилади, шунингдек, мукофотларнинг пулини тўлашни амалга оширади.

5. Қўмитага қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этилган ишларни олдиндан кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун адабиёт, санъат ва меъморчилик, бадиий ижод назарияси ва тарихи соҳасида шўъбалар ташкил қилиш ҳамда пул тўлаб мутахассис-экспертларни таклиф этиш;

б) ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этилган ишларни илмий, ижодий ва давлат ташкилотларига экспертларнинг кўриб чиқиши учун юбориш;

в) мукофотларга тақдим этилган ишлар, шунингдек, уларнинг муаллифлари ижоди билан жойнинг ўзида танишиш учун Қўмита аъзоларини, экспертларни ёки эксперт комиссияларини юбориш;

г) Қўмита аъзоларини ва таклиф қилинган экспертларнинг хизмат сафарлари харажатларини тўлаш.

Қўмита аъзолари доимий ишлайдиган муассаса ва ташкилотлар уларнинг Қўмитада фаол ишлашлари учун зарур шароитлар яратишга, Қўмита топшириқларини бажариш вақтида, ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда, ишдан озод қилишга мажбурдирлар;

д) ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этилган ишларни тавсия қилиш ва экспертлар томонидан кўриб чиқиш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини назорат этиш, ишларни муҳокама қилиш, баҳолашни ташкил этиш, Қўмита материалларини эълон қилиш масалалари юзасидан ЎзТАГ, матбуот, радио ва телевидение, ижодий, илмий ва бошқа муассасаларга мурожаат қилиш.

6. Қўмитанинг қарори, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларини бериш масаласидан ташқари, Қўмита таркибининг камида ярми қатнашганда, кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. Агар ЎзССЖ Давлат мукофотини олишга Қўмита аъзосининг иши тавсия этилган бўлса, бундай ҳолда у Қўмита шўъбалари ва сессияларининг мазкур иш кўриб чиқилаётган мажлисларида қатнашмайди.

8. Қўмита ўзининг амалий фаолиятини кредит бошқарувчиси бўлмиш масъул котиб раҳбарлик қиладиган аппарат ёрдамида амалга оширади.

Қўмитанинг гербли муҳри ва Ўзбекистон уй-жой-социал банкида ҳисоби бўлади.

9. Қўмита қошида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ишлайдиган Навоий номидаги, Қодирий номидаги ва Ҳамза номидаги фонд бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил
6 февралдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитасининг**

## ТАРКИБИ

Қодиров Пиримқул Қодирович — Ўзбекистон ССЖ халқ ёзувчиси, Қўмита Раиси

Жалолов Баҳодир Фазлиддинович — Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқарувининг раиси, ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қўмита раисининг ўринбосари

Қайипберганов Тўлапберган — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби, Қўмита раисининг ўринбосари

Тоҳир Малик (Ҳобилов) — ёзувчи, Ойбек номидаги мукофот лауреати, Қўмитанинг масъул котиби

Орипов Абдулла — Ўзбекистон ССЖ халқ шоири

Отабоев Носир — Муқимий номидаги театр бош режиссёри

Аҳмедов Раҳим Аҳмедович — Ўзбекистон ССЖ халқ рассоми

Баҳриев Карим Ҳакимович — журналист, ЎзССЖ халқ депутати

Бошбеков Шароф — драматург, Ҳамза номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти лауреати

Ғоибов Наим Ёвқочевич — ЎзССЖ маданият вазири

Гиенко Борис Федорович — бастакор, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг аъзоси

Жабборов Аҳмад Ҳамидович — мусиқашунос, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси

Исҳоқов Жасур — кинодраматург

Исоқова Мунаввар — Тошкент ноҳиясидаги «ЎзССЖ 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси

Қаюмов Малик — Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони



Қодиров Муҳсин — Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг театршуноси

Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна — Ўзбекистон Меъморчилар уюшмасининг раиси

Қаюмов Азиз Пўлатович — филология фанлари доктори, ЎзССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзССЖ ФА Қўлёзмалар институтининг директори

Маҳкамов Мели — телережиссёр, ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Мирсаидов Мирмуҳсин — Ўзбекистон ССЖ халқ ёзувчиси, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири

Муҳаммаджонов Зикир — ССЖИ халқ артисти

Назаров Бахтиёр Аминович — адабиётшунос, филология фанлари доктори, ЎзССЖ ФА мухбир аъзоси

Норбоева Ойдин — ЎзССЖ халқ артисти, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг артисти

Нўъмонов Комил (Комил Яшин) — Ўзбекистон ССЖ халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Османов Айдер Асанович — ёзувчи, «Йилдиз» журналининг бош муҳаррири

Раҳимов Акбар — кулолчи-рассом

Раҳмонов Расул Раҳмонович — ёзувчи, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бош муҳаррири

Самандаров Эркин Самандарович — Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари

Сутягин Серго Михайлович — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган архитектор, «УзНИИПградостроительства» бош архитектори

Сафаров Рубен Акопович — «Правда Востока» газетасининг бош муҳаррири

Ўтаев Ўрол — ЎзССЖ халқ депутати, тележурналист

Файзиев Латиф — кинорежиссёр, ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Ҳожиева Ойдин — «Гулхан» журналининг бош муҳаррири

Ҳошимов Ўткир — «Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири

Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна — «Саодат» журналининг бош муҳаррири

Шарафиддинов Озод — адабиётшунос, ТошДУ ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедрасининг профессори

Шин Николай Сергеевич — рассом, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқарувининг аъзоси

Йўлдошев Баҳодир Турсунович — А. Ҳидоятов номидаги театрнинг бош режиссёри

Юсупов Шукрулло (Шукрулло) — Ўзбекистон ССЖ халқ шоири

---